



7

1704, Ishtixon shahri, Ishtixon ko'chasi-4-uy  
: (8-366) 629-15-10, faks (8-366) 629-11-54

140704, г.Иштыхан ул. Иштыханская д.4,  
Тел: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

16 у.г «25» \_\_\_\_\_

№ 2353-К

Ishtixon sh.-г.Иштыхан

Иштыхан туман ободонлаштириш бошқармасига  
Иштыхан шаҳри худудидан “Маиший чикиндиларни  
кабул қилиш шахобчаси” қурилишига ер майдони  
ақратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 3 декабрдаги 315-сонли  
Республика аҳоли пунктларида санитария жиҳатидан тозалаш тизимини ривожлантириш ва  
ақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини ижросини таъминлаш  
мақсадида. Иштыхан туман ободонлаштириш бошқармасига Иштыхан шаҳри худудидан 2  
(икки) донга “Маиший чикиндиларни кабул қилиш шахобчаси” қурилиши юзасидан вилоят  
табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2016 йил 11 июлдаги 1023-сонли ҳамда 1024-сонли  
хулосаларини, туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссияси аъзоларининг  
2016 йил 14 июлдаги 28-сонли далолатномасини Иштыхан туман ободонлаштириш  
бошқармасининг Иштыхан шаҳри худудидан 2 (икки) донга “Маиший чикиндиларни кабул  
қилиш шахобчаси” қуриш учун ер майдони ажратиш беришни сўраб ёзган хатини кўриб  
чиқиб. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-моддасига асосан

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2016 йил 11 июлдаги 1023-сонли  
ҳамда 1024-сонли хулосалари маълумот учун кабул қилинсин, туман ер участкалари бериш  
(реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси аъзоларининг 2016 йил 14  
июлдаги 28-сонли далолатномаси тасдиқлансин.
2. Туман ободонлаштириш бошқармасига қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида  
фойдаланилмайдиган туман ҳокимлиги захирасидаги Иштыхан шаҳри Ж.Махмудов  
махалласи худудидан 12.0x12.0 метр ўлчамда 144.0 кв.метр ва Ўзбекистон маҳалласи  
худудидан 10.0x12.0 метр ўлчамда 120.0 кв.метр жами 264.0 (икки юз олтимиш тўрт) кв.метр  
ер майдони “Маиший чикиндиларни кабул қилиш шахобчаси” қуриш ва ободонлаштириш  
учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.
3. Туман ободонлаштириш бошқармаси (А.Ибрагимов)га ажратилаётган ер майдонида  
қурилиши режалаштирилган “Маиший чикиндиларни кабул қилиш шахобчаси” бино-  
иншоотларини белгиланган тартибда лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб,  
тегишли ташкилотларнинг руҳсати олингандан сўнг қурилиш ишларни бошлашга руҳсат  
берилсин ҳамда 6 ой муддатда фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилсин.
4. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси (Х.Астанов)га ер  
майдонини давлат рўйхатидан ўтказиш, туман бош архитектори (И.Азимов)га ушбу ер  
майдонида “Маиший чикиндиларни кабул қилиш шахобчаси” бинолари қурилишини лойиҳа  
асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.
5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари  
С.Валиев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ш.Негматов